

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ АДХАМ АБАДБЕКОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЎПКА-БРОНХ ТИЗИМИНИНГ КИСТОЗ
МАЛЬФОРМАЦИЯЛАРИДА ДИАГНОСТИКА ВА ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахматуллаев Адхам Абадбекович

Болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида диагностика ва хирургик даволашни оптималлаштириш.....3

Рахматуллаев Адхам Абадбекович

Оптимизация диагностики и тактики хирургического лечения кистозных мальформаций бронхолегочной системы у детей.....29

Rakhmatullaev Adkham Abadbekovichh

Optimization of diagnostics and tactics of surgical treatment of cystic malformations of the bronchopulmonary system in children53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ АДХАМ АБАДБЕКОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЎПКА-БРОНХ ТИЗИМИНИНГ КИСТОЗ
МАЛЬФОРМАЦИЯЛАРИДА ДИАГНОСТИКА ВА ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсяфа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестацион комиссиясида В2022.1.PhD/Tib1306 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Насриддин Шамсиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Юсуф Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шарипов Асламхон Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Санкт-Петербург давлат педиатрия
тиббиёт университети

Диссертация химояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузурдаги илмий даражалар берувчи Dsc.04/01.02.2022.tib.147.01 рақамли илмий кенгашда «24» июнь 2025 й. соат 12:30 бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294, (Миллий Болалар Тиббиёт Маркази) Тел/факс (+99855) 503-03-66, e-mail: ilmiy.kengash@bmtm.uz.)

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй.. Телефон: (+99855) 503-03-66.

Диссертациянинг автореферати «13» июнь 2025 йилда тарқатилган.
(«13» июль 2025 йилда № 44 рақамли реестр баённомаси)



А.М. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.С. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Э.А. Сатвалдиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, нафас олиш тизими касалликлари болалар орасидаги умумий касалланиш таркибида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўткир нафас етишмовчилиги (ЎНЕ) билан кечадиган перинатал патология ва ўлимнинг энг кўп учрайдиган сабаблари орасида ўпка-бронх тизими ривожланиш нуқсонлари (ЎБТРН) бўлиб, улар ҳар 35000 тирик туғилган чақалоққа бир ҳолатда учрайди. Ушбу нуқсонларнинг сезиларли қисмини кистоз шакллар ташкил этади ва улар кўпинча янги туғилган чақалоқлик давридан бошлаб шошилиш жарроҳлик аралашувини талаб қилади. Қатор муаллифларнинг келтирилган маълумотларида «...бронх-ўпка аномалияларининг айрим шакллари кўпинча кечки босқичларда намоён бўлиши, инфекция жараёнлар ёки ўпка тўқимасининг ҳажмли ҳосилалар билан сиқилиши оқибатида юзага келадиган иккиламчи ўзгаришлар каби аллақачон ривожланган асоратлар билан кечиши қайд этилган. Бундан ташқари, мазкур аномалияларнинг баъзи шаклларида хавfli ўсмаларга айланиш эҳтимоли мавжудлиги таъкидланади...»¹. Республикамизда бир қатор тадқиқотчилар эрта ёшда жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган ўпка ва кўкс оралиғи ривожланиш нуқсонлари жарроҳлик неонатологиясининг нисбатан янги ва долзарб муаммоси эканлигини таъкидлайдилар. Бу эса беморларнинг ёши ва касаллик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бронх-ўпка аномалияларини ташхислаш усуллари ва даволашга оид тактик ёндашувларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштириш юзасидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда болаларда ўпка-бронх ривожланиш нуқсонлари таркибидаги кистоз мальформацияларнинг даражаси ва нозологик шакллари клиник материаллар асосида аниқлаш, уларни ташхислаш ва даволашда комплекс антенатал ва постнатал ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, касалликнинг клиник кўринишлари, антенатал ва постнатал ташхис маълумотлари, морфологик тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида нозологик шаклларни ташхислаш ҳамда нуқсон шакли ва асоратлар мавжудлигига қараб, очиқ ва видеоассистентли жарроҳлик аралашувларининг кўрсатмалари, муддатлари, ҳажми ва турларига дифференциал ёндашувни ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижаларини баҳолашни такомиллаштириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли

¹Hegde BN, Tsao K, Hirose S. Management of Congenital Lung Malformations. Clin Perinatol. 2022 Dec;49(4):907-926. doi: 10.1016/j.clp.2022.08.003. PMID: 36328607Praticò FE, Corrado M, Della Casa G, Parziale R, et al. Imaging of congenital pulmonary malformations. Acta Biomed. 2016 Jul 28;87 Suppl 3:45-50. PMID: 27467867

соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида диагностика ва хирургик даволашни оптималлаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 29 июлдаги ПФ-5199-сон – «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалар пульмонологиясининг ривожланиши ва замонавий текшириш усуллариининг жорий этилиши ўпка дисплазияларининг аввал тахмин қилинганидан кўра кўпроқ учрашини кўрсатди. Ушбу мавзуга оид илмий нашрларнинг аксарияти иқтисодий ривожланган мамлакатларда чоп этилган бўлиб, бу давлатларда нафақат ташхис қўйиш, балки туғруқдан олдинги асосланган ёндашувларни ишлаб чиқишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Кўплаб тадқиқотларда нур ташхислаш усуллариининг аҳамияти таҳлил қилиниб, патологиянинг алоҳида нозологик шаклларига нисбатан компьютер томографияси ва ультратовуш текширувлари натижаларига алоҳида эътибор қаратилган (Ильина Н.А., Тюрин И.Е., 2017).

Бироқ, битта даволаш муассасаси материаллари асосида ўпка-бронх тузилмалари ривожланиш нуқсонлари бўлган болаларда ташхис қўйиш ва даволаш тактикасига бағишланган умумлаштирилган тадқиқотлар нисбатан кам учрайди (Караваева С.А., Немилова Т.К., 2015). Кўплаб муаллифларнинг

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

фикрига кўра, жарроҳлик даволашнинг энг мақбул усули – зарарланган бўлакни тўлиқ олиб ташлашдир, чунки ўпканинг сегментар ва атипик резекцияларида аралашув етарлича радикал бўлмаслиги ва касалликнинг қайта юзага чиқиши хавфи юқори ҳисобланади (Rothenberg S., Shipman K., Lai S., Kay S., 2024). Шу билан бирга, айрим муаллифлар даволашнинг эрта натижалари ижобий эканлигини инобатга олиб, ўпка бўлагининг шикастланган қисми ёки унинг алоҳида сегментларини атипик ёки тежамкор тарзда кесиб олишни маъқуллайдилар (Huang J.X., Chen Q., Hong S.M., Hong J.J. et al., 2023).

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, боланинг ҳаётидаги 3-6 ойлик давр жарроҳлик аралашуви учун мутлақ кўрсатма ҳисобланади (Машков А.Е., Щербина В.И., Сташук Г.А., Слесарев В.В., 2017). Бироқ, бундай ёндашув касалликнинг кам симптомли ёки симптомсиз шаклларида, шикастланиш ҳажми минимал бўлган (1-2 сегментдан ошмайдиган) беморларга ҳар доим ҳам татбиқ этилмайди (Makhijani A.V., Wong F.Y., 2018). Шунингдек, бундай ҳолларда ўпка-бронх касалликларининг сурункали шакллари ривожланиши, хавфли ўсма пайдо бўлиши ва беморлар ҳаёт сифатининг ёмонлашиши каби оғир асоратлар тез суръатда ривожланиши мумкин (Галагина Н.А., Халецкая О.В., 2014).

Ўзбекистонда болаларда ўпка-бронх тизимининг турли жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар бажарилган (Алиев М.М., 2022; Эргашев Н.Ш., 2022; Салимов Ш.Т., 2022). Шунга қарамай, болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида диагностика ва хирургик даволашни оптималлаштириш юзасидан етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Шу сабабли, ҳозирги кунда жарроҳлик аралашувини ўтказиш муддатлари ва оператив даволаш усулини танлаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болалардаги туғма ва орттирилган касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида (ЎБТКМ) даволаш натижаларини туғилишдан олдинги ва кейинги ташхислашни такомиллаштириш, даволаш тактикаси ва мақбул жарроҳлик усулларини танлаш орқали яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда ўпка-бронх ривожланиш нуқсонлари тузилишида ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини клиник материаллар асосида учраш даражаси ва нозологик шакллари баҳолаш;

болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини ташхислаш ва даволашда комплекс антенатал ва постнатал ёндашувларни

ишлаб чиқиш;

ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини клиник кўринишлари, антенатал ва постнатал ташхис маълумотлари, морфологик тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида нозологик шаклларини ташхислаш ҳамда касалликнинг клиник кечиш хусусиятларини ва асоратлар ривожланишига олиб келувчи омилларни ўрганиш;

нуқсон шакли ва ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформациялари билан хасталанган болаларда асоратларнинг мавжудлигига қараб, очик ва видеоассистентли жарроҳлик аралашувларининг кўрсатмалари, муддатлари, ҳажми ва турларига дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш;

ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижаларини баҳолашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларининг турли шакллари билан хасталанган бир кунликдан 16 ёшгача бўлган 115 нафар бола танланди. Ушбу болаларга жарроҳлик ва консерватив даволаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети боланинг соматик ҳолатини, шунингдек, ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш босқичларида нафас олиш ва юрак-қон томир тизимларининг анатомик-функционал ҳолатини комплекс баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштиришда клиник, инструментал, рентгенологик, функционал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини кенг қамровли клиник материаллар асосида эрта ташхислаш ва комплекс даволаш ёндашувлари асосланган;

болаларда ўпка-бронх тизими кистоз мальформацияларининг анатомик шакллари ва клиник хусусиятларини аниқлашда қўшимча инструментал ташхислаш усулларидан фойдаланиш орқали касалликнинг нозологик шаклларини ташхислаш усуллари асосланган;

болаларда ўпка-бронх тизими кистоз мальформацияларининг клиник кечиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда жарроҳлик амалиётининг оптимал муддати, тури ва тактикасининг аҳамияти асосланган;

болаларда ўпка-бронх тизими кистоз мальформацияларининг турли шаклларида жарроҳликдан кейинги асоратларга олиб келувчи қўшма патологиянинг даражаси ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш усуллари танлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш учун дифференциал ёндашувнинг аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида билан хасталанган болаларни ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш тартиби баҳоланган;

постнатал нур ташхислаш усулларининг имкониятлари, жумладан КТ ва КТ-ангиографиянинг болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформациялари турли кўринишларини қиёсий ташхислашдаги аҳамиятини очишда клиник ва патогистологик кўрсаткичларни ўрни баҳоланган;

болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформациялари билан хасталанган болаларда ҳамроҳ ривожланиш нуқсонларини аниқлаш жарроҳлик амалиётлари ва операциядан кейинги реабилитациянинг энг мақбул йўналишини белгилаш имконини берган;

болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида беморларни комплекс текшириш учун ишлаб чиқилган алгоритм турли хил зарарланиш ҳолатларини аниқлаш имкониятларини кенгайтирган;

тадқиқот натижалари услубий тавсияларда умумлаштирилди ҳамда республика, вилоят ва шаҳар даволаш муассасаларининг болалар жарроҳлик бўлимларининг амалий фаолиятига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, рентгенологик, функционал ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида диагностика ва хирургик даволашни оптималлаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти натижалари болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформациялари билан хасталанган болаларни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувларни ривожлантириш, комплекс ташхис қўшма патологияни аниқлаш, жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш ва беморларни операциядан кейинги даврда олиб боришни такомиллаштириш имконини беришнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида тактик-техник ёндашувлар ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш орқали ушбу патологияга эга болаларни операциядан кейинги парваришни оптималлаштириш, ўпка патологиясини даволашнинг ўзига хос бўлган босқичлари ва асоратларни олдини олиш тактикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларида диагностика ва хирургик даволашни оптималлаштиришни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини кенг қамровли клиник материаллар асосида эрта ташхислаш ва комплекс даволаш ёндашувлари асосланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши

томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги 03/308-сон билан тасдиқланган «Диагностика кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей», ҳамда «Оптимизация тактики и способов хирургического лечения кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонаси бўйича 23.11.2024 йилдаги 66/А-сон ҳамда Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.11.2024 йилдаги 285-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 мартдаги 13/17-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини антенатал ультратовуш текшируви натижасида ҳомиланинг ўпкалардаги туғма нуқсонларни ўз вақтида ташхислаш орқали янги туғилган чақалоқларда юзага келадиган асоратларни камайтириш орқали хасталиқни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини антенатал ультратовуш текшируви асосида ўпкалардаги туғма нуқсонларни ўз вақтида ташхислаш орқали асосий гуруҳдаги беморларнинг шифохонада қолиш муддати назорат гуруҳига нисбатан 2,58 кунга қисқартириш орқали бир ётоқ кунига харажатлар ўртача 536639 сўмни, умумий сарф харажатлар орқали 1384528 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини антенатал ультратовуш текшируви асосида ўпкалардаги туғма нуқсонларни ўз вақтида ташхислаш орқали 13845286 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: болаларда ўпка-бронх тизими кистоз мальформацияларининг анатомик шакллари ва клиник хусусиятларини аниқлашда кўшимча инструментал ташхислаш усулларида фойдаланиш орқали касалликнинг нозологик шакллари ташхислаш усуллари асосланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги 03/308-сон билан тасдиқланган «Диагностика кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей», ҳамда «Оптимизация тактики и способов хирургического лечения кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонаси бўйича 23.11.2024 йилдаги 66/А-сон ҳамда Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.11.2024 йилдаги 285-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 мартдаги 13/17-сон хулосаси). *Ижтимоий аҳамияти* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларининг анатомик шакллари ва клиник хусусиятлари кўшимча инструментал ташхислаш (МСКТ, МСКТ-АГ, рентгенография, морфологик текширув) усуллари ёрдамида хасталиқнинг нозологик шакллари ташхислаш алгоритминини яратиш натижасида ташхислашдаги хатоликлар хавфини

камайтириш, жарроҳлик амалиётини танлаш орқали хасталикни эрта ташхислаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларининг анатомик шакллари ва клиник хусусиятлари кўшимча инструментал ташхислаш усуллари ёрдамида хасталикнинг нозологик шакллари ажратиш ва даволаш тактикасини танлаш натижасида асосий гуруҳдаги беморларнинг жарроҳликдан кейинги даврда шифохонада ётиш муддатини 5,94 кунга қисқартириш ҳисобига 3187635 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларининг анатомик шакллари ва клиник хусусиятлари кўшимча инструментал ташхислаш усуллари ёрдамида хасталикнинг нозологик шакллари ташхислаш ва самарали даволаш натижасида беморларнинг жарроҳликдан кейинги даврда шифохонада ётиш муддатини 5,94 кунга қисқартириш ҳисобига 3187635 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Учинчи илмий янгилик: болаларда ўпка-бронх тизими кистоз мальформацияларининг клиник кечиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда жарроҳлик амалиётининг оптимал муддати, тури ва тактикасининг аҳамияти асосланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги 03/308-сон билан тасдиқланган «Диагностика кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей», ҳамда «Оптимизация тактики и способов хирургического лечения кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонаси бўйича 23.11.2024 йилдаги 66/А-сон ҳамда Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.11.2024 йилдаги 285-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 мартдаги 13/17-сон хулосаси). *Ижтимоий аҳамияти:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини клиник хусусиятларини кечишини инобатга олган ҳолда жарроҳлик амалиёти вақти, тури ва тактикасини танлаш орқали, асосий гуруҳда жарроҳлик тактикаси ва интенсив терапияни оптималлаштириш асоратларини даражаси камайтириш, умумий жарроҳлик асоратлари 4,3% га (11,7% дан 7,4% гача), махсус асоратлар 3,4% га (7,5% дан 4,1% гача) камайтириш ва беморларнинг умумий аҳволини яхшилаш, болалар касалланиш ва ногиронлик даражасини пасайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини клиник хусусиятларини кечишини инобатга олган ҳолда жарроҳлик амалиёти вақти, тури ва тактикасининг ўрни асосланган ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми ва дастурий таъминотни қўллаш ҳамроҳ аномалиялар ва соматик касалликларни аниқлаш даражасини 8,2% га ошириш орқали стационарда бир нафар бемор учун кунлик харажатлар 536639 сўмни, таққослаш гуруҳида ўртача даволаниш давомийлиги $21,81 \pm 3,95$ ётоқ кунини асосий гуруҳда эса $13,28 \pm 2,48$ ётоқ кунини ташкил қилган ва таклиф этилган ёндашув шифохонада ётиш

муддатини ўртача 8,53 кунга қисқартириш ва даволаш курси учун 4577531 сўмни маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини клиник хусусиятларини кечишини инобатга олган ҳолда жарроҳлик амалиёти вақти, тури ва тактикасининг ўрни асослаш натижасида таклиф этилган ёндашув шифохонада ётиш муддатини ўртача 8,53 кунга қисқартириш ва даволаш курси учун 4577531 сўмни маблағни тежаш имконини берган.

Тўртинчи илмий янгилик: болаларда ўпка-бронх тизими кистоз мальформацияларининг турли шаклларида жарроҳликдан кейинги асоратларга олиб келувчи қўшма патологиянинг даражаси ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш усулларини танлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш учун дифференциал ёндашувнинг аҳамияти исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги 03/308-сон билан тасдиқланган «Диагностика кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей», ҳамда «Оптимизация тактики и способов хирургического лечения кистозных мальформации бронхолегочной системы у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонаси бўйича 23.11.2024 йилдаги 66/А-сон ҳамда Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.11.2024 йилдаги 285-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 мартдаги 13/17-сон хулосаси). *Ижтимоий аҳамияти:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларининг турли шаклларида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларга олиб келувчи қўшма патологиянинг даражаси ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш усулларини танлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш учун дифференциал ёндашув хасталиқни эрта ташхислашда антенатал ташхислашнинг ҳал қилувчи ўрни ва беморларни пренатал ҳамда постнатал даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши орқали хомиладорликни олиб бориш тактикасини ўз вақтида белгилаш, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида туғруқни режалаштириш ва чақалоқ туғилиши биланоқ зарур ёрдам кўрсатиш орқали оғир асоратлар хавфини камайтириш, муваффақиятли жарроҳлик ёки консерватив даволаш имкониятини ошириш ва чақалоқлар ўлимини пасайтириш имконини яратганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларининг турли шаклларида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларга олиб келувчи қўшма патологиянинг даражаси ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш усулларини танлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш учун дифференциал ёндашув натижасида стационарда бир нафар бемор учун кунлик харажатлар 536639 сўмни, асосий гуруҳдаги болалар шифохонада ўртача $13,28 \pm 2,48$ ётоқ кунини ва 7126565 сўмга ($536639 \times 13,28$ кун) сўмни, таққослаш гуруҳида ўртача даволаниш давомийлиги $21,81 \pm 3,95$ ётоқ кунини ҳамда 11704096 сўм ($536639 \times 21,81$ кун) харажатларга тўғри

келган, таклиф этилган ёндашув шифохонада ётиш муддатини ўртача 8,53 кунга қисқартириш ва даволаш курси учун 4577531 сўмни маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларининг турли шаклларида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларга олиб келувчи ҳамроҳ патологиянинг даражаси ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш усулларини танлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш учун дифференциал ёндашув шифохонада ётиш муддатини ўртача 8,53 кунга қисқарт ириш ва даволаш курси учун 4577531 сўмни маблағни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, хулосалар, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Матн ҳажми 136 саҳифани ташкил этиб, унда 24 та жадвал ва 31 та расм мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсад ва вазифалар белгилаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илму-фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробация ва иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўпка-бронх тизими ривожланиш нуқсонларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳидан иборат бўлиб, унда ЎБТКМ бўйича мавжуд илмий манбалар таҳлил қилинган. Замонавий ташхислаш усулларининг жорий этилиши сабабли, мазкур патологияларнинг тарқалиш даражаси аввалги таҳлилларга нисбатан юқори эканлиги аниқланган. ЎБТКМ турли диспластик ўзгаришларни ўз ичига олиб, унинг клиник кўринишлари симптомсиз ҳолатлардан оғир кечишгача бўлиши мумкин. Диагностика антенатал ва постнатал ташхислаш усуллари – УТТ, МСКТ ва МРТ ёрдамида амалга оширилади. Даволаш асосан жарроҳлик усулларига, жумладан, видеоэндоскопик амалиётларга ва айрим ҳолларда пренатал коррекция усулларига асосланади. Адабиётлар шарҳида ЎБТКМнинг турли таснифлари келтирилиб, унинг этиологик омиллари, жумладан, генетик ва атроф-муҳит таъсирлари муҳокама қилинган. Шунингдек, ихтисослаштирилган тиббиёт

марказларида ташхис қўйиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигига қарамай, ўз вақтида ташхислаш ва даволаш муҳимлиги алоҳида таъкидланган.

Диссертациянинг «**Болаларда ўпка-бронх тизимининг кистоз мальформацияларини ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштириш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг таҳлили келтирилиб, клиник, инструментал ва статистик усуллар батафсил тавсифланган. Ушбу тадқиқотга ўпка-бронх тизими ривожланиш нуқсонлари ташхисланган жами 115 бемор жалб қилинган. Улардан 106 нафаридан (92,2%) ЎБТКМ қайд этилди. Кузатувлар 2006-2022 йиллар давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти (ТошПТИ) госпитал болалар хирургияси кафедраси клиник базалари – 2-сон ШБЖКШ, Республика перинатал марказининг неонатал хирургия бўлими ҳамда Болалар миллий тиббиёт марказининг кам инвазив хирургия бўлимларида ўтказилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, мазкур патологияларнинг аксарият қисми кистоз шаклда намоён бўлиб, 115 нафар бемордан 106 нафаридан (92,2%) ушбу шакл қайд этилди. Ушбу ҳолат кўпинча неонатал даврдан бошлаб шошилиш жарроҳлик аралашувини талаб этади. Патологиянинг тарқалиш жиҳатидан таҳлили шуни кўрсатдики, бемор ёши ортиши билан касаллик ҳолатлари камайиб, нозологик шакллар таркиби ўзгариб борган (2-жадвалга қаранг).

106 нафар беморнинг 66 нафари (62,3%) ўғил болалар, 40 нафари (37,7%) қиз болалардан иборат бўлди. Беморларнинг ёши 1 кунликдан 16 ёшгача бўлган бўлиб, улар қуйидаги ёш гуруҳларига тақсимланди: чақалоқлар – 31 нафар (29,25%), 1 ойликдан 1 ёшгача – 24 нафар (22,64%), 1 ёшдан 3 ёшгача – 20 нафар (18,87%), 3 ёшдан 7 ёшгача – 13 нафар (12,26%), 7 ёшдан 15 ёшгача – 13 нафар (12,26%) ва 15 ёшдан 16 ёшгача – 5 нафар (4,72%).

Беморлар икки гуруҳга ажратилди: **таққослаш гуруҳи** – 2006-2017 йилларда клиникада кузатилган 52 (49,1%) нафар бемордан иборат бўлиб, уларга анъанавий ташхис ва жарроҳлик усуллари қўлланилган; **асосий гуруҳ** – 2018-2022 йилларда клиникаларда кузатилган 54 (50,9%) нафар боладан иборат бўлиб, уларга кенгайтирилган ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усуллари қўлланилди. Бу усуллар ҳомиладорлар ва ҳомиланинг пренатал текширувини, шунингдек, видеоторакоскопик аралашувларни ўз ичига олган. Беморларнинг йиллар бўйича тақсимланиши бир хил бўлмаган. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, чақалоқлик даврида ва ҳаётнинг дастлабки йилларида етарли даражада текширувлар ўтказилмаганлиги ёки клиник белгиларнинг яққол намоён бўлмаганлиги сабабли касалликнинг айрим ҳолатлари аниқланмай қолган бўлиши мумкин.

Тадқиқот гуруҳларида ЎБТКМ нозологик шакллари тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган. 106 нафар бемордан 92 нафари (86,8%) жарроҳлик амалиётидан ўтказилди. Жами 106 беморнинг 14 нафари (13,2%) учун кузатиш тактикаси танланди. 5 беморда (4,7%) бу ёндашув касалликнинг симптомсиз ёки компенсацияланган кечиши сабабли қўлланилган бўлса, 9 ҳолатда (8,5%) эса ота-оналарнинг вақтинча жарроҳлик даволашдан воз кечиши билан боғлиқ эди. Бундай ёндашув динамикада функционал текширув усуллари ўтказиш

ҳамда эҳтимолий асоратларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чоратadbирларни амалга ошириш билан биргаликда олиб борилди.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги ЎБТКМ билан касалланган беморларнинг нозологик шакллари ва сони (n=106)

Нозологик шакллар	Беморлар сони			
	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи	
	Абс.	%	Абс.	%
ЎКАМ	26	24,6	20	18,8
БК	8	7,5	14	13,3
БГК	7	6,6	9	8,5
ТЛЭ	10	9,4	9	8,5
ЎБС	3	2,8	–	–
Жами:	54	50,9	52	49,1

Операциядан кейинги асоратлар 22 беморда (23,4%) кузатилди. Операциядан кейинги асоратларнинг хусусиятлари таҳлил қилинди. Ўлим ҳолати 1 беморда (1,1%) қайд этилди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган 92 бемордан 91 нафари (98,9%) шифохонадан уйга чиқарилди.

Даволашнинг узок муддатли натижалари 1 йилдан 5 йилгача бўлган даврда кузатилиб, таҳлил этилди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган 92 бемордан 82 нафарида (89,1%) ва жарроҳлик аралашуви амалга оширилмаган 14 бемордан 10 нафарида (71,4%) узок муддатли натижаларни кузатиш имкони бўлди.

Диссертациянинг «**Болаларда бронх-ўпка тизими ривожланиш нуқсонларининг кистоз шакллари: нозологик турлари, учраш даражаси ва замонавий ташхисотининг баҳолаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида ЎБТКМнинг нозологик турлари, уларнинг учраш даражаси ва диагностик ёндашувлар батафсил ўрганилган. Таҳлил 106 нафар беморни қамраб олган шахсий кузатувлар асосида амалга оширилиб, статистик маълумотлар, клиник мисоллар ва инструментал текширувлар натижалари билан мустаҳкамланган. Шунингдек, тадқиқот доирасида диагностик алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Болаларда нафас олиш тизимининг туғма касалликлари орасида марказий ўринни эгаллайдиган ЎБТКМ клиник кўринишларнинг юқори ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бу ўзгарувчанлик тасодифан аниқланган симптомсиз шакллардан тортиб, жиддий нафас етишмовчилиги билан кечувчи ҳаёт учун хавфли ҳолатларгача бўлган турли клиник манзараларни ўз ичига олади. Ушбу нуқсонларнинг кечиши бир қатор омилларга боғлиқ: патологик жараённинг жойлашуви (бир ёки икки томонлама, ўпканинг бир бўлаги ёки сегменти), унинг ҳажми ва хусусияти (кисталар, зич элементлар ёки уларнинг биргаликда мавжудлиги), яллиғланиш жараёнининг кўшилиши (инфекция, йиринглаш) ҳамда ҳамроҳ ривожланиш нуқсонларининг мавжудлиги. Мазкур параметрлар касаллик кечишининг уч хил оғирлик даражасини белгилайди (2-жадвал).

Тадқиқотда алоҳида нозологик шаклларнинг клиник намоён бўлиши, уларнинг кечиш жараёни, ҳамроҳ касалликларнинг учраш хусусиятлари, шунингдек, аниқ ташхис қўйиш ва даволаш усуллари танлашда замонавий

текширув методларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

2-жадвал

ЎБТКМ билан касалланган беморларнинг патологиянинг клиник кечиш босқичларига кўра тақсимланиши (n=106)

Нозологик шакл		Клиник кечиш босқичлари						Жами		P
		Компенсация		Субкомпенсация		Декомпенсация				
		abs	%	abs	%	abs	%	abs	M±m,%	
ЎКАМ (n=46)	АГ (n=26)	12	11,32	7	6,60	7	6,60	26	24,53±4,18	Хи-квадрат = 46,170; p = 0,000
	ТГ (n=20)	9	8,49	5	4,72	6	5,66	20	18,87±3,8	
ТЛЭ (n=19)	АГ (n=10)	1	0,94	1	0,94	8	7,55	10	9,43±2,84	
	ТГ (n=9)	0	0,00	2	1,89	7	6,60	9	8,49±2,71	
БК (n=22)	АГ (n=8)	2	1,89	4	3,77	2	1,89	8	7,55±2,57	
	ТГ (n=14)	2	1,89	9	8,49	3	2,83	14	13,21±3,29	
БГК (n=16)	АГ (n=7)	2	1,89	1	0,94	4	3,77	7	6,6±2,41	
	ТГ (n=9)	1	0,94	4	3,77	4	3,77	9	8,49±2,71	
БЎС (n=3)	ТГ (n=3)	1	0,94	1	0,94	1	0,94	3	2,83±1,61	
	ТГ (n=0)	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0±0	
Жами:	АГ (n=54)	18	16,98	14	13,21	22	20,75	54	50,94±4,86	
	ТГ (n=52)	12	11,32	20	18,87	20	18,87	52	49,06±4,86	
P Асосий гуруҳ		Пирсон Хи-квадрати = 12,326; p = 0,137								
P Таққослаш гуруҳи		Пирсон Хи-квадрати = 16,469; p = 0,011								
P		Пирсон Хи-квадрати = 27,855; p = 0,001								
Хаммаси:		30	28,30	34	32,08	42	39,62	106	100±0,0	
P		Пирсон Хи-квадрати = 2,113; p = 0,348								

Ўпканинг кистоз-аденоматоз мальформацияси (ЎКАМ) – терминал бронхиоляр тузилмаларнинг аномал кўпайиши ва альвеолалар ривожланишининг тўхташи натижасида юзага келадиган гамартомик ўзгариш бўлиб, 46 беморда (43,4%) аниқланди. Улар орасида 26 нафар ўғил бола (56,5%) ва 20 нафар қиз бола (43,5%) ташкил этди. К. Stoker (2002) таснифига кўра, ЎКАМнинг беш типи мавжуд: I тип (бронхиал/бронхиоляр) – 32 беморда (69,5%); II тип (бронхиоляр) – 13 беморда (28,3%); III тип (бронхиоляр-альвеоляр) – 1 беморда (2,2%) аниқланди. 0 ва IV типлар кузатилмади, бу эса уларнинг камдан-кам учрайдиганлигини тасдиқлайди. Ҳомиладорликнинг 20-34 ҳафталари оралиғида (60% ҳолатда – II триместрда, 40% ҳолатда – III триместрда) 15 нафар беморда (32,6%) антенатал ташхис ультратовуш текшируви ёрдамида қўйилган. Бу эса туғруқни ихтисослаштирилган марказларда режалаштириш имконини берган. Постнатал ташхис рентгенография (якка ёки кўп миқдордаги кистоз соялар) ва МСКТ ёрдамида тасдиқланди. МСКТ киста ўлчамлари (микрокисталардан макрокисталаргача), жойлашуви ва зарарланиш тузилишини батафсил аниқлаш имконини бергани боис самаралироқ ташхис усули ҳисобланади. Клиник белгилари: 26,1% чақалоқларда – респиратор-дистресс синдроми, 34,8% беморда – касаллик

белгилари 1-3 ёшда, 39,1% беморда – 3-16 ёшда пайдо бўлган. Зарарланиш кўпинча бир томонлама бўлиб, асосан пастки бўлақларга таъсир қилган: 15 ҳолатда – ўнг ўпкада; 12 ҳолатда – чап ўпкада; 6,5% ҳолатда эса мультилобар зарарланиш аниқланди. Бошқа нуқсонлар билан ҳамроҳлик 21,7% ҳолатда қайд этилди. Беморларнинг 8,7%ида асоратлар (пневмоторакс, пиопневмоторакс, эмпиема) кузатилган бўлиб, бу ўз вақтида жарроҳлик аралашувининг аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Тугма лобар эмфизема (ТЛЭ) – ўпка паренхимасининг бир бўлаги ёки унинг сегментларининг ҳаддан ташқари кенгайиши билан характерланади. Ушбу патология 19 (17,9%) беморда аниқланди, уларнинг 14 нафарини (73,7%) ўғил болалар, 5 нафарини (26,3%) эса қиз болалар ташкил этди. Касаллик аниқланган ёш оралиғи 1 кунликдан 3 ёшгача бўлиб, энг кўп ҳолатлар неонатал даврда кузатилди (19 бемордан 9 нафари, 47,4%). Компенсация даражасига кўра, 1 (5,3%) беморда компенсацияланган, 10 (52,6%) беморда субкомпенсацияланган ва 8 (42,1%) беморда декомпенсацияланган кечиш қайд этилди. Антенатал УТТ 8 ҳолатда ҳомилада ушбу нуқсон мавжуд деб баҳолаган, бироқ туғилгандан кейин ташхис фақат 50% ҳолларда тасдиқланган. Бу эса ушбу усулнинг чекланган ўзига хослигини ҳамда кистоз зарарланишнинг регрессияланиш эҳтимолини кўрсатади. Клиник белгилари нафас олиш қийинлашуви, кўкрак қафасининг бўртиб чиқиши, қутичасимон перкутор товуш ва кўкс оралиғининг силжишини ўз ичига олиб, ушбу симптомлар овқатланиш пайтида кучаяди. Клиник, рентгенологик ва морфологик текширувлар натижалари ТЛЭда ўткир нафас етишмовчилигининг барча уч тури (гипоксемик, гиперкапник, аралаш) мавжудлигини тасдиқлади. Иккита (10,5%) кузатувда касаллик асоратли кечиш, плевра бўшлиғининг нотўғри пункцияси натижасида юзага келган, бу эса ТЛЭни таранглашган пневмоторакс сифатида нотўғри талқин қилиш билан боғлиқ эди. Касалликни фақат клиник белгилари асосида аниқлаш қийин, чунки туғма кисталар ва ўпканинг бошқа кистоз дисплазиялари ўхшаш клиник манзарага эга бўлиши мумкин. Клиник белгилари ва кўкрак ичи таранглашиш синдроми ўпка паренхимаси шикастланишининг даражаси ва ҳажми билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат нурли ташхис усуллари ёрдамида тасдиқланади. Рентгенография ўпкада ҳаво миқдорининг ортиши, зарарланган қисмнинг катталаниши ва диафрагма гумбазининг текисланишини кўрсатади. Контрастли МСКТ эса қон томир аномалияларини истисно этиш имконини бериб, ташхисни янада аниқлаштиради. Ҳамроҳ ривожланиш нуқсонлари 6 (31,6%) беморда аниқланган бўлиб, 4 нафарида юрак нуқсонлари, 2 нафарида эса кўкрак қафаси деформацияси кузатилди. Ушбу нуқсонлар касалликнинг клиник белгилари ва кечишини оғирлаштирган.

Бронхоген кисталар (БГК) – трахеобронхиал тизим билан алоқасини йўқотган нафас олиш эпителийси ҳужайраларидан пайдо бўлади. У 16 (15,1%) беморда (8 нафар ўғил ва 8 нафар қиз бола) аниқланди. Кисталар кўпинча кўкрак қафаси оралиғида, трахея ёки асосий бронхлар яқинида жойлашиб, сероз суюқлик ёки ҳаво тўпланган юпка деворли ҳосилалар ҳисобланади.

Компенсация даражасига кўра, 16 беморнинг 14 нафарида (87,5%) декомпенсацияланган кечиш устунлик қилган бўлиб, бу ҳолат кўшни тузилмаларнинг сиқилиши билан боғлиқлиги қайд этилди. Симптомлар қаторига йўтал, нафас қисилиши, хириллаш ва такрорий инфекциялар киради. Йирик кисталар аниқланган 14 (87,5%) беморда трахея, қизилўнгач ёки қон томирларининг сиқилиши кузатилди. Кичик кисталар аниқланган 2 (12,5%) беморда эса белгилар ноаниқ (кўкрак қафасидаги оғрик, иситма) бўлгани сабабли, нурли ташхис усулларисиз ташхис қўйиш мураккаблашди. Паратрахеобронхиал кисталар аниқланган 2 (12,5%) беморда вентилиацион нафас етишмовчилиги белгилари кузатилиб, энг яққол клиник манзара шаклланган. Рентгенография кўкс оралиғи соясининг кенгайганлигини 13(81,3%) ида кўрсатган бўлса, МСКТ кисталарнинг ўлчамлари (1,5-16 см) ва таркибини аниқлаш имконини берди. Асоратлар (таранглашиш, йиринглаш, ателектаз) 8 (50%) беморда қайд этилди. Беморларнинг 10 (62,5%) ида ўтказилган эндоскопия бронхларда яллиғланиш ва сиқилиш мавжудлигини аниқлаш имконини берди.

Бронхиал кисталар (БК) бронхиал тизим билан алоқасини сақлаб қолиб, ҳаво сақлайдиган тузилмалардир. ЎБТКМнинг ушбу шакли 22 беморда (20,7%) аниқланган, уларнинг 10 нафарини (45,5%) ўғил бола, 12 нафарини (54,5%) эса қиз болалар ташкил этди. Касаллик энг кўп ҳолларда ўнг ўпканинг юқори бўлагида жойлашган бўлиб, бу 22 бемордан 9 нафарида (41%) кузатилди. Компенсация даражасига кўра касаллик кўйидагича тақсимланди: компенсацияланган ҳолат – 3 (13,6%) бемор, субкомпенсация – 9 (41%) бемор, декомпенсация – 10 (45,4%) бемор. Клиник манзара асосан асоратларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлди: кистанинг йиринглаши 11 беморда (50%), пневмоторакс ва эмпиема – 2 беморда (9,1%) кузатилди. 7 беморда (31,8%) катта кисталар кўкрак қафаси асимметрияси ва нафас олишнинг сусайишига олиб келганлиги қайд этилди. Рентгенографик текширувда ҳаво ёки суюқликни ўз ичига олган аниқ соялар аниқланади, МСКТ эса кисталарнинг тузилиши ва ўлчамларини, шу жумладан, кўкс оралиғининг силжиши ҳолатларини батафсил кўрсатиб беради.

Бронх-ўпка секвестрацияси (БЎС) – кам учрайдиган аномалия бўлиб, 3 (2,8%) нафар ўғил болада аниқланди. У аортадан қон билан таъминланадиган ўпка тўқимасининг алоҳида қисми билан тавсифланади. Кузатувимиздаги беморларда иккита интралобар (12 ва 16 ёшли беморларда) ҳамда битта экстралобар (1 кунлик чақалоқда) шакллари қайд этилди. Касаллик белгилари носпецифик бўлиб, йўтал, ҳансираш ва такрорланувчи инфекциялар билан намоён бўлади. Бир беморда нуқсон тасодифан аниқланди. Компенсация даражасига кўра тақсимот кўйидагича: ҳар бир клиник босқичга 1 нафардан (33,3%) бемор тўғри келди. БЎС асосан пастки ўпка бўлақларида, кўпинча чап томонда жойлашганлиги аниқланди. Абберрант томирларни аниқлашда МСКТ-ангиография асосий ташхислаш усули ҳисобланади. Бу 12 ёшли беморда секвестр резекцияси ўтказилган ҳолатда яққол намоён бўлди. Рентгенография кистоз-солид тузилмаларни кўрсатса-да, аниқ ташхис қўйиш учун контраст

текширув зарур. Экстралобар секвестрни аниқлашда УТТ самарали усул саналади. Ўпка тўқимасидан ажралган аномал қисм атрофдаги тузилмаларга нисбатан юқори эхогенликка эга бўлади. Рангли доплер сканерлаш қўлланилганда томирлар архитектоникасини баҳолаш орқали ташхис ишончилиги янада ошади.

Қиёсий таъхис ва таъхисий ёндашувлар. ЎБТКМнинг қиёсий ташхиси орттирилган касалликлар (интерстициал эмфизема, инфекциялар) билан ўтказилади, бу эса симптомлардаги ўхшашлик сабабли мураккаблик туғдиради. "Болаларда кистоз малформацияларни ташхислаш ва қиёсий ташхислаш" дастури (DGU 43163 UZ, 23.10.2024) ишлаб чиқилган бўлиб, у ташхис қўйишни оптималлаштириб, аниқлик ва самарадорликни оширишга ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Болаларда бронх-ўпка малформацияларининг кистоз шаклларида жарроҳлик тактикаси**» деб номланган тўртинчи боби болаларда ЎБТКМда жарроҳлик тактикасини таҳлил қилишга бағишланган. Бунда эрта ташхис қўйиш ва даволаш стратегиясини танлашда индивидуал ёндашувнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Касаллик ташхиси қўйилгандан сўнг, унинг кечиши ҳомиладорлик даврида ҳам, туғруқдан кейинги эрта ёки кечки муддатларда ҳам даволаш тактикасини танлаш имконини беради. Антенатал ташхис ЎБТКМни аниқлаш ва кейинги ҳаракатларни режалаштириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Антенатал даврда кузатиладиган ўзгаришлар баъзан ўз-ўзидан йўқолиши мумкин, бироқ айрим ҳолларда касалликнинг ривожланиши фаол аралашувни талаб этади.

ЎБТКМда постнатал тактикани танлаш клиник манзара, инструментал текширувлар натижалари ва касаллик кечиши динамикасига асосланди. ЎБТКМ билан оғриган 106 бемордан 92 (86,8%) нафарда жарроҳлик даволаш ўтказилган бўлса, 14 (13,2%) беморда симптомлар йўқлиги ёки компенсацияланган кечиш сабабли симптоматик консерватив даволаш ва кузатув тактикаси қўлланилди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар орасида: 20 (21,7%) нафар беморда декомпенсация туфайли шошилиш тарзда, 21 (22,8%) нафар беморда субкомпенсация ҳолатида шошилиш-режали тарзда, 51 (55,5%) нафар беморда эса режали тарзда жарроҳлик амалиёти бажарилди. Кузатув тактикаси компенсацияланган кечиши бўлган 5 (4,7%) беморда ва 9 (8,5%) беморда ота-оналарнинг қарорига кўра қўлланилди. Бунда функционал ташхислаш усулларида фойдаланган ҳолда мажбурий динамик кузатув ва ҳолатни назорат қилиш амалга оширилди. 3-жадвал патология шаклига кўра даволаш тактикаларининг тақсимланишини акс эттириб, ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашув зарурлигини тасдиқлайди. Операцияга кўрсатмалар яққол симптомлар, асоратлар хавфи ва профилактик чоралар қўлланилган ҳолда ҳам салбий динамиканинг мавжудлиги асосида белгиланди.

Жарроҳлик тактикаси зарарланишнинг жойлашуви, кўлами ва асоратлар мавжудлигига қараб белгиланди. 83 (90,2%) ҳолатда зарарланган тузилмаларга энг қулай киришни таъминлайдиган орқа-ён торакотомия кесими қўлланилди. 9 (9,8%) ҳолатда эса видеоассистенлик ва торакоскопик усуллар (VATS) қўлланиб, кам инвазив технологиялар жорий этилгани тасдиқланди. Асосий

жарроҳлик аралашувлари қуйидагиларни ўз ичига олди: лобэктомия – 54 (58,7%) беморда, бўлакнинг алоҳида зарарланишида; биллобэктомия – 3 (3,3%) беморда, иккита қўшни бўлакнинг зарарланишида; атипик резекция билан лобэктомия – 3 (3,3%) беморда, кўп сегментли зарарланишда; пулмонэктомия – 4 (4,3%) беморда, кенг тарқалган кўп бўлакли зарарланишда; кистэктомия – бронхоген кисталар аниқланган 11 (52,4%) беморда, кисталарнинг периферик жойлашувида.

3-жадвал

Болаларда ЎБТКМда даволаш тактикасини танлаш (n=106)

Патология тури	Жарроҳлик даво (n=92)			Кузатув тактикаси (n=14)	
ЎКАМ (n=46)					
- I тип (n= 32)	5	4	19	2	2
- II тип (n=13)	-	2	6	3	2
- III тип (n=1)	-	-	-	-	1
ТЛЭ (n=19)					
- компенсация босқичи (n=1)	-	-	1	-	-
- субкомпенсация босқичи (n=10)	4	3	3	-	-
- декомпенсация босқичи (n=8)	5	1	2	-	-
БГК (n=16)	2	7	5	-	2
БК (n=22)	3	4	14		1
БЎС (n=3)					
- интралобар шакли (n=2)	1	-	1	-	-
- экстралобар шакли (n=1)	-	-	-	-	1
Жами: (n=106)	20	21	51	5	9

Жарроҳлик тактикасини танлаш учун ишлаб чиқилган алгоритмлар (3 ва 4-расмлар) касалликнинг ривожланиш динамикаси, зарарланишнинг морфологик хусусиятлари ва унинг тарқалиш даражасини ҳисобга олади. Бу схемалар клиник қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб, даволаш ёндашувини оптималлаштириш имконини беради.



3-расм. ЎБТКМда тактик ёндашувлар алгоритми



4-расм. ЎБТКМда жарроҳлик тактикаси алгоритми.

4-жадвалда ЎБТКМ шаклларига қараб жарроҳлик аралашувларининг хусусиятлари батафсил келтирилган бўлиб, анъанавий ва кам инвазив усуллар ўртасидаги фарқлар таҳлил қилиниши мумкин.

